

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет хузуридаги
жамоатчилик кенгаши раиси
ўринбосари
Ф.С. Агзамов
2022 йил “28” март

Ўзгидромет ва қуйи тизимларида ижро интизомини таъминлаш
борасида амалга ошириладиган ишлар натижадорлиги тўғрисида
Жамоатчилик кенгаши мажлисининг
2-сон БАЁНИ

2022 йил “28” март

Тошкент шаҳри

Жамоатчилик
кенгаши раиси:

Ф.Х. Ҳикматов – Ўзбекистон Миллий университети
Гидрометеорология факультети профессори,

Жамоатчилик кенгаши
раиси ўринбосари:

Ф.С. Агзамов - Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари

Жамоатчилик кенгаши
аъзолари:

К.Р. Рахмонов – Ўзбекистон Миллий университети
Гидрометеорология факультети декани;

Б.Е. Аденбаев - Ўзбекистон Миллий университети
Гидрометеорология факультети кафедра мудири,
профессор;

Б.М. Холматжонов – Гидрометеорология илмий-тадқиқот
институтининг Иқлим ўзгариши бўлими мудири;

А.С. Ҳайдаров – Самарқанд давлат университети кафедра
мудири;

Э.И. Абдулахатов - Гидрометеорология илмий-тадқиқот
институтининг таянч докторанти.

Қатнашчилар:

Ш.Ҳ. Хабибуллаев - Ўзгидромет Бош директори

КУН ТАРТИБИ:

Ўзгидромет томонидан “Ўзгидромет томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби, ҳамда соҳадаги ўзгаришлар таҳлили” 2021-йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан **жамоатчилик кенгаши йиғилиши.**

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ОАВ ва блогерлар иштирокида ўтказилди.

Кун тартиби юзасидан **Ўзгидромет Бош директори Шерзод Хабибуллаев** Ўзгидромет томонидан марказда амалга ошириладиган ишлар, 2021 йилда тасдиқланган дастурлар, фармон ва қарорларда кўрсатилган асосий мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати” тўғрисида ахборот берди.

Унинг қайд этишича,

2021 йилда гидрометеорология соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг **4 та** қарори ва **1 та** фармойиши қабул қилинди.

Республика раҳбарияти ва иқтисодиёт тармоқларининг турли ташкилотлари талаби бўйича об-ҳаво прогнозлари, гидрологик, атроф-муҳит ифлосланиши мониторинги, агрометеорологик, сел тошқинлари, қор кўчкилари ҳақида ахборот материаллари тайёрлаб берилди.

Натижада турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозлари ишончилиги қисқа муддатли метеорологик 94%, ўрта муддатли метеорологик 90%, қисқа муддатли гидрологик 95%, узоқ муддатли гидрологик 75%ни ташкил этди.

Шторм огоҳлантириш, билдирги ва об-ҳаво прогнозларида кучли ёғингарчилик ва кучли шамоллар ҳақида эълон қилинган.

Ўзбекистон ҳудуди бўйича кучли ёғингарчилик, кучли шамол, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ҳақида **8 та шторм огоҳлантиришлар** тузилди.

Хавфли ҳодисалар ҳақида огоҳлантириш **100%**ни ташкил этди. Шунда, хавфли ҳодисалар **17 та** бўлиб шундан, кучли ёғингарчилик 9 та, кучли шамол 8 та кузатилди.

Сел хавфи ҳақида **4 та** шторм огоҳлантириш тайёрланди. Огоҳлантириш даражаси **100%**ни ташкил этди.

Ўзгидрометда ахборот коммуникация технологияларининг жорий этилганлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “nis.uz” рейтингли ахборот тизимига киритилиб йил якуни бўйича **87.83** балл билан рейтингда **5 ўринни эгалланган** ҳолда яшил ҳудудга чиқишга эришилди.

Гидрометеорологик ва атроф муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг **очиқ маълумотлар порталига** ҳамда Ўзгидрометнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилмоқда.

Сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат маълумотларини Очиқ маълумотлар порталига маълумотлар узатилмоқда. Ҳозирда агрометеорологик, гидрологик, метеорологик ва атроф муҳит ифлосланиши тўғрисидаги **18** турдан ошиқ маълумотлар Ягона гидрометеорологик маълумотларнинг очиқ портали “**data.meteo.uz**” геопорталларида жойлаштирилди.

Ўзгидромет ва Давлат экология қўмитаси ўртасидаги ўзаро электрон маълумот алмашинуви бўйича тасдиқланган Технологик йўриқномага асосан Ягона геоахборот маълумотлар базасига маълумотлар доимий равишда тақдим этиб борилмоқда.

Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизими билан атмосфера ифлосланиши бўйича электрон ҳамкорлик доирасида **24/7 онлайн** режимда маълумот тақдим этиб борилмоқда.

Хавфли гидрометеорологик ҳудудлар мониторинги бўйича мавжуд хавфли зоналарни тизими яратили. Ушбу тизим орқали **12 турдаги** маълумотлар Кадастр агентлигига маълумотлар онлайн тақдим этиб борилмоқда.

Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқ хўжалиги ҳудудларида жойлашган **12 та** автоматик агрометеорологик станциялар ўрнатилди. Мазкур станцияларда ўсимликлар намлиги ва зичлиги, ёғин миқдори, тупроқ ҳарорати ҳамда намлигини автоматик усулда ҳар ўн дақиқада аниқлаш йўлга қўйилди.

Корея метеорология администрацияси ва Жаҳон метеорология ташкилоти билан ҳамкорликда гидрометеорологик фондда сақланаётган қоғоз шаклдаги маълумотларни рақамлаштириш орқали маълумотлар электрон базасини яратиш бўйича лойиҳа амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Бухоро вилояти ҳудудида **1 та** метеорологик радиолакатор тармоғи қуриб биткизилди, ҳамда Наманган вилояти учун **1 та** метеорологик радиолакатор мажмуаси харид қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.


«Яшил иқлим жамғармаси» ҳисобидан умумий қиймати 10 млн доллар бўлган грант лойиҳаси имзоланди. Гидрометеорологик, агрометеорологик ҳамда атроф муҳит ифлосланиши кузатиш станция ва постлари бўйича жорий йилда 30 та объектларда қурилиш ишлар амалга оширилди.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан 2,4 млрд сўм бўлган 3 та лойиҳа молиялаштирилди.

Гидрометеорология хизмати маркази 2022 йил I чорак давомида ҳокимият ва бошқарув органлари, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолини режага мувофиқ гидрометеорологик маълумотлар билан ўз вақтида таъминлади.

Чорак давомида ҳақиқий ва кутилаётган об-ҳаво, республикадаги сув ресурслари ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолати ҳақида билдиргилар, шарҳлар, маълумотномалар тузилди ва бошқарув органларига тақдим этилди. Тоғларда ёғингарчилик тўпланиши ҳақида маълумотномалар тайёрланди ва тақдим этилиб келинмоқда.

Йиғилиш котиби



М.Б. Рўзиева